



2018 йил "31" 12

Вобкент тумани

2145 -сон

Вобкент тумани маҳаллий бюджетининг 2019 йилдаги асосий кўрсаткичларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида"ги ПҚ-4086-сонли (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 28.12.2018 й., 07/18/4086/2384-сон), Халқ депутатлари Вобкент тумани Кенгашининг "Вобкент туманининг 2018 йил бюджети кутилаётган ижроси ҳамда 2019 йилга маҳаллий бюджетнинг белгиланган асосий параметрлари тўғрисида"ги 2018 йил 27 декабрдаги 289/75-V-сонли қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексининг 99-моддасига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-I-сон; 2014 й., 36-сон, 452-модда) асосан туман маҳаллий бюджетининг асосий кўрсаткичларини тасдиқлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида"ги ПҚ-4086-сонли, Халқ депутатлари Вобкент тумани Кенгашининг "Вобкент туманининг 2018 йил бюджети кутилаётган ижроси ҳамда 2019 йилга маҳаллий бюджетнинг белгиланган асосий параметрлари тўғрисида"ги 2018 йил 27 декабрдаги 289/75-V-сонли қарорлари раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вобкент тумани маҳаллий бюджетининг 2019 йилга мўлжалланган асосий кўрсаткичлари:

туман маҳаллий бюджетининг даромадлари ҳамда харажатлари миқдори 1-иловага;

туманнинг маҳаллий бюджетига вилоят маҳаллий бюджетидан ажратиладиган трансферлар ҳамда айланма касса маблағларининг йўл кўйиладиган энг кам миқдори 2-иловага;

туман маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқ тушумларидан ажратмаларнинг меъёрлари 3-иловага;

туман маҳаллий бюджетига 2019 йилдан бошлаб ўтказиладиган бюджет ташкилотлари рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман ҳокимининг ўринбосари (Ғ.Джунаитов)га “Маънавият ва маърифат” марказларининг моддий-техника базасини ривожлантириш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда мактабгача таълим муассасаларини аутсорсинг асосида озиқ-овқат билан таъминлаш тартибини жорий этиш юзасидан таклифлар киритилишини таъминлаш топширилсин.

4. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Маликов молия ва солиқ органларининг бюджет тушумларини кўпайтириш ва солиқ солинадиган базани кенгайтиришга йўналтирилган ишларини такомиллаштириш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш борасида тегишли чора-тадбирларни амалга оширилишини таъминласин.

5. “Вобкент ҳаёти” туман газетаси таҳририяти (Ў.Истатов) мазкур қарорни маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин. Бунда, ижтимоий соҳа муассасаларининг ойлик иш ҳақи миқдорлари оширилганлиги, янги ўқув йилида синф хоналарини таъмирлаш учун бюджетдан зарур маблағлар ажратилганлиги ҳамда бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилган тадбирлар кенг ёритилиши тавсия этилсин.

6. Мазкур қарор ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Ушбу қарор 2019 йил 1 январдан қучга қиради.

8. Мазкур қарор ижросининг назорати туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Маликов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



А.Жаводов